

«Uzbekistan Airways»
АЖ Якка акциядорнинг 2019 йил «18»
октябр кунги.4-сонли қарори билан
«ТАСДИҚЛАНДИ»

**«UZBEKISTAN AIRWAYS» АКЦИЯДОР ЖАМИЯТИНИНГ
МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИ ҲОЛАТИДА ХАРАКАТ ҚИЛИШ
ТАРТИБИ ҲАҚИДАГИ
ЙЎРИҚНОМА**

Тошкент ш. - 2019

МАЗМУНИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

II. ЛАВОЗИМ ТАЪСИРИГА ТУШУВЧИ ШАХСЛАР ДОИРАСИ

III. НИЗОЛАР ТУРИ

IV. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

V. МАНФААТЛАР НИЗОСИ ПАЙДО БҮЛИШИНИНГ САБАЛАРИ (ШАРТЛАРИ)

VI. МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

VII. МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

VIII. МАЪЛУМОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу «Uzbekistan Airways» акциядорлик Жамиятининг манфаатлар низосида ҳаракат тартиби ҳақидаги Йўриқномаси (келгусида – Йўриқнома) Ўзбекистон Республикаси “Акциядор жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида”ги (келгусида – Конун), бошқа қонунчилик-норматив баённомалари, корпоратив бошқариш Кодексининг тавсиялари (31.12.2015. қунги 9-сонли баённома), «Uzbekistan Airways» Ациядорлик жамияти (келгусида Жамият) Низоми ва бошқа ички хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқарилган.

2. Мазкур Йўриқнома Жамиятда пайдо бўладиган манфатлар низосини олдини олиш ва тартибга солиш чоралари, низоларни бошқариш бўйича асосий тамойиллари, манфаатлар низоси турларини белгилайди.

3. Мазкур Йўриқнома потенциал низоларни ўз вақтида аниқлаш, уларни олдини олиш ва ҳақиқий низоларни ҳал этиш мақсадида ишлаб чиқарилган.

II. Лавозим таъсирига тушувчи шахслар доираси.

4. Ушбу Йўриқнома, Жамиятнинг бошқарув органига, мансабдор шахслари ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Жамиятнинг барча ходимларига нисбатан кўлланилади.

5. Мазкур Йўриқномага риоя этиш, шунингдек Жамият билан фуқаролик-хуқуқий шартномалар асосида ҳамкорлик қилувчи жисмоний шахсларга, агар улар билан тузилган шартномаларда, уларнинг ички хужжатларида ёки қонундан чиқиб келган ҳолда, тегишли мажбуриятлар мустаҳкамланган бўлса ҳам қўлланилади.

III. Манфат низоларининг турлари.

6. Жамият фаолиятини амалга оширишда Жамиятнинг (унинг бошқарув органи, мансабдор шахслари ва ходимлари) мулкий ва бошқа манфаатлари ўртасидаги ва харидорлар, истеъмолчилар, таъминотчилар, кредиторлар, Жамиятнинг ишбилармон ҳамкорлари ва бошқа манфаатдор шахслар (келгусида – контрагент)нинг мулкий ва бошқа манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар орқали, Жамиятнинг контрагентлари қонуний хуқуқ ва манфаатлари (келгусида **манфаатлари тўқнашуви**)ни бузиш ҳолатларига йўл қўйилиши мумкин.

Жамият фаолиятидаги Жамият ва /ёки унинг ходими ўртасида, контрагентлар иштироқида, ёхуд Жамият ичидағи алоқаларга таалукли ёки таалқуқли бўлиши мумкин бўлган, Жамият манфаатларига таъсир кўрсатувчи, контрагентлар ўрасидаги ҳар қандай келишмовчилик ва баҳслар, манфаат низолари кўринишидаги ўзига хос низолар туридир.

7. Бундан ташқари, Жамият акциядорлари ўртасида, Жамиятнинг бошқарув ва назорат органи ва акциядори (акциядолари) ўртасида, Жамият бошқарув органи ўртасида (келгусида **корпоратив низо**) келиб чиқиши мумкин.

Корпоратив низо деганда, қўйидаги оқибатларга олиб келувчи, Жамият акциядорлари ўртасида, Жамиятнинг бошқарув органи ва акциядорлари ўртасида, инвесторлар (потенциал акциядорлар) ва Жамият ўртасидаги келишмовчиликлар ва баҳсларни тушуниш керак:

а) амалдаги қонунчилик нормалари, Жамиятнинг Низоми ёки ички хужжатлари, акциядорларни ёки акциядорлар гурухини хуқуқларини бузилиши;

- б) Жамият, бошқарув органи томонидан ёки қабул қилинган қарор юзасидан даъволар;
- в) амалдаги бошқарув органи ваколатини тезкорлик билан тугатилиши;
- г) ақицядорлар таркибидаги аҳамиятли ўзгартиришлар.

Акциядорлар ўртасидаги келишмовчиликлар, агар бу Жамият манфаатларига таъсир кўрсатса, корпоратив низонинг шаклидир.

8. Ушбу Йўриқномада манфаатларнинг низолари ҳодисаси қуйидагича кўриб чиқилади:

- а) *мажоритар акциядорлар* (йирик акция пектларига эгалик қилувчи акциядорлар) ва *миноритар акциядорлар* (унча катта бўлмаган акциялар сонига эгалик қилувчи билан акциядорлар) ўртасида;
- б) *Жамият* (Жамият бошқарув органи) *ва унинг акциядори (акциядорлар)*;
- в) *Жамият* (Жамият бошқарув ва назорат органи, Жамиятнинг мансабдор шахслари, ходимлари) ва *контрагентлар* ўртасида;
- г) *Жамият* ва *Жамиятнинг мансабдор шахслари, ходимлари* ўртасида, улар томонидан хизмат вазифасини бажараётганида.

IV. Жамиятда манфаатлар низоларини бошқаришнинг асосий тамойиллари.

9. Жамиятда манфаатлар низони бошқариш қуйидаги асосий тамойилларига асосланади:

- а) манфаатлар потенциал ва реал низолари ҳақидаги маълумотларни ошкор қилишнинг мажбурийлиги;
- б) ҳар бир низони пайдо бўлишида ва уни тартибга солишда, Жамият учун обрў-эътибор таҳликасини алоҳида кўриб чиқиш ва баҳолаш;
- в) манфаатлар низоси ва уни тартибга солиш ҳақидаги маълумотларни ошкора қилиш жараёнида қатъий маҳфийлик;
- г) манфаатлар низоларини тартибга солишда Жамият бошқарув ва назорат органини ва униг ходимларини манфаатларини балансига риоя қилиш;
- д) Жамият ходими томонидан ўз вақтида фош этилган ва Жамият томонидан тартибга солинган (олдини олинган) манфаатлар низоси ҳақида хабар берган шахсни таъқиб этишдан ҳимоя қилиш.

V. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ПАЙДО БЎЛИШИННИНГ САБАБЛАРИ (ШАРОИТЛАРИ).

10. Манфаатлар тўқнашуви, агар Жамият ходими айрим ёки ўзга манфаатларга, ҳаракатларга четдан, Жамият номидан унинг ҳаракатлари ва муҳокамаларига объектив таъсир кўрсатса, ўз вазифасини бажаришида ҳар қандай битимларда Жамиятга қарши рақобат қилишга имкон берса, самарадорлигини камайтиrsa, Жамиятнинг молиявий ҳолати ёки касбий обрў-эътиборига зарар кўрсатса, Жамият томонидан ўтказилаётган битимларни хатарини орттирса, нохуш оқибатлар олиб келиши мумкин.

Корпоратив тўқнашуви акциядорлар ва инвесторларни Жамиятга бўлган ишончигаи путур етказади, Жамият ривожланиши учун инвестиция капиталини жалб қилишда салбий

таъсир кўрсатади, Жамиятнинг корпоратив обрў-эътиборига заар етказади, Жамиятни банкротликка ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келади.

11. Корпоратив тўқнашувлар Жамиятнинг мажоритар ва миноритар акциядорлари ўртасида қуидаги сабабларга кўра пайдо бўлиши мумкин:

- а) Жамият томонидан барча акияждорларни тенг ҳукуклилиги таъминлаш бўйича қонун, норматив баённомалар ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабаларига риоя қилинмаслиги оқибатида;
- б) миноритар акциядорлар Жамиятнинг фаолиятига ва акциядорларнинг Умумий мажлиси ва Кузатув кенгашининг қарорларига таъсир кўрсата олмасликлари оқибатида.

12. Жамият (унинг бошқарув органлари) ва **акциядорлар** ўртасида **корпоратив тўқнашувлар** қуидаги сабабларга кўра пайдо бўлиши мумкин:

- а) Жамият томонидан қонун, норматив баённомалар, Жамиятнинг Низоми ва ички ҳужжатлари талабаларига риоя қилинмаслиги оқибатида;
- б) Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи билан олдиндан келишмай туриб, ҳамкор шахслар билан битимлар ва йирик битимлар тузиш;
- в) Жамият бошқарув органи томонидан, Жамиятнинг молиявий фаолиятини ёмонлашувига олиб келувчи қарорлари қабул қилиши;
- г) амалдаги қонунчиликка мувофиқ ошкор қилинмаган маълумотлар, ёхуд Жамият бошқарув органи таркибиغا кирувчи шахсларнинг, бошқа ташкилотлардаги эгаллаган мансаби, бошқа хўжалик Жамиятларидағи улушлари (акциялари) ҳақида тўлиқ бўлмаган маълумотлар бериш.

13. Жамият (унинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари) ва **контрагентлар** ўрасидаги **манфаатлар тўқнашуви** қуидагиларга кўра пайдо бўлиши мумкин:

- а) Жамият томонидан қонун, норматив баённомалар, Жамиятнинг Низоми ва ички ҳужжатлари талабаларига риоя қилинмаслиги, шу жумладан, ваколатларни чегараланмаслиги оқибатида;
- б) касбий аҳлоқ тамойиллари ва ишчанлик муносабатлари нормаларига риоя қилмаслик;
- в) ҳам Жамият, ҳам контрагентлар томонидан шартнома мажбуриятини бажармаганлиги оқибатида;
- г) ўз мажбуриятларини бажармаганлиги;
- д) Жамиятнинг бир ходими томонидан битим тузиш, бухгалтерия хисоботларидағи ёзувлар бўйича амалга ошириладиган, дастлабки ҳисбот ҳужжатларини расмийлаштириш (имзолаш), бухгалтерия хисоботларида битимларни акс эттириш, уларнинг назорати, шартномалар тузишда тақдим қилинадиган ҳужжатларни тўлиқлиги ва ишонччилиги, ва кейинда контрагентнинг молиявий ҳолати мониторингини ўтказиш бўйича вазифаларни бирлаштирилиши;
- е) Жамиятнинг бир ходими томонидан пул маблағларини ўтказиш (бериш)ни тасдиқлаш ва амалда уларни ўтказиш (бериш)ни амалга оширишда функцияларини бирлаштирилиши;
- ж) Жамиятнинг бир ходими томонидан автоматлаштирилган тизимлар маълумотларидан фойдаланган ҳолда, бухгалтерия хисобида акс эттириш имконияти билан автоматлаштирилган тизимларни бошқариш функцияларини бирлаштирилиши;

- 3) Жамиятнинг бир ходими томонидан контрагентларнинг операцияси акс эттириувчи ҳисботларни юритиш ва Жамиятнинг хўжалик фаолиятини акс эттирувчи ҳисботларни юритишни функцияларини бирлаштирилиши;
- и) Жамиятнинг бир ходими томонидан контрагент топшириғи ва унинг ҳисобидан, ҳамда Жамият ҳисобидан келишувларни амалга ошириш функцияларини бирлаштирилиши;
- к) ўз манфаатлари олдида, Жамият ва контрагентлар манфаатларининг энг муҳим тамойилларига риоя қилмаслик, шахсий мақсадларида хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш;
- л) касбий аҳлоқ тамойиллари ва ишchanлик муносабатлари нормаларига риоя қилмаслик;
- м) битимлар тузишда Жамиятнинг ички лимитларига риоя қилмаслик;
- н) шахсий тижорат фаолиятини юритиш;
- о) шахсий манфаатлари учун Жамият манфаатларига зарар етказувчи ишchan имконият яратиш.
- п) Жамиятнинг бир ходими томонидан битим тузиш, бухгалтерия ҳисботларидаги ёзувлар бўйича амалга ошириладиган, дастлабки ҳисбот хужжатларини расмийлаштириш (имзолаш), бухгалтерия ҳисботларида битимларни акс эттириш, уларнинг назорати, шартномалар тузишда тақдим қилинадиган хужжатларни тўлиқлиги ва ишончлилиги, ва кейинда контрагентнинг молиявий ҳолати монитроингини ўтказиши бўйича вазифаларни бирлаштирилиши;
- р) Жамиятнинг бир ходими томонидан пул маблағларини ўтказиши (бериш)ни тасдиқлаш ва амалда уларни ўтказиши (бериш)ни амалга оширишда функцияларини бирлаштирилиши;
- с) Жамиятнинг бир ходими томонидан автоматлаштирилган тизимлар маълумотларидан фойдаланган ҳолда бухгалтерия ҳисобида акс эттириш имконияти билан автоматлаштирилган тизимларни бошқариш функцияларини бирлаштирилиши;
- т) Жамиятнинг бир ходими томонидан, контрагентларнинг операцияси акс эттириувчи ҳисботларни юритиш, ҳамда Жамиятнинг хўжалик фаолиятини акс эттирувчи ҳисботларни юритиш функцияларини бирлаштирилиши;
- у) Жамиятнинг бир ходими томонидан контрагент топшириғи ва унинг ҳисобидан, ҳамда Жамият ҳисобидан келишувларни амалга ошириш функцияларини бирлаштирилиши
- ф) ўз манфаатлари олдида, Жамият ва контрагентлар манфаатларининг энг муҳим тамойилларига риоя қилмаслик, шахсий мақсадларида хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш;
- х) касбий аҳлоқ тамойиллари ва ишchanлик муносабатлари нормаларига риоя қилмаслик;
- ц) битимлар тузишда Жамиятнинг ички лимитларига риоя қилмаслик;
- ш) шахсий тижорат фаолиятини юритиш;
- щ) шахсий манфаатлари учун, Жамият манфаатларига зарар етказувчи ишchan имконият яратиш.

14. **Жамият** (унинг бошқарув органи) ва **Жамиятнинг мансабдор шахслари ўрасидаги манфаатлар тўқнашуви** қўйидаги сабабларга кўра пайдо бўлиши мумкин:

- а)) Жамият томонидан қонун, ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабаларига риоя қилинмаслиги оқибатида;
- б) касбий аҳлоқ тамойиллари ва ишchanлик муносабатлари нормаларига риоя қилмаслик;
- в) ўзи ва оила аъзолари томонидан тижорат фаолиятини юритилиши;
- г) Жамият билан ишchanлик муносабатларида бўлган бошқа компаниянинг молиявий манфаатдорлиги борлиги;
- д) бошқа ташкилотда ўриндош ёки раҳбар, мансабдор шахс лавозимида ишлаётган ёки бошқариш органларида иштирок этаётган ишлар;
- е) шахсий манфаатлари учун, Жамият манфаатларига зарар етказувчи ишchan имконият яратиш

VI. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш.

15. Манфаатлар тўқнашувини ҳар қандай турларини олдини олиш мақсадида, Жамият бошқарув органи, назорат органи, мансабдор шахслар ва ходимларининг мажбуриятлари:

- а) қонунчилик, норматив баённомалар, Жамиятнинг Низоми ва ички ҳужжатларига риоя қилишлик;
 - б) тўқнашувли вазияталарни пайдо бўлигига олиб келувчи ҳаракатларни содир этиш ва қарорларни қабул қилишдан сақланиш;
 - в) Жамиятни самарали бошқарилишини таъминлаш;
 - г) Жамиятни қонунга зид фаолиятига жалб этиш, шу жумладан жиной йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш (совуриш), ва терроризмни молиялаштириш;
 - д) товарларни ишлаб чиқаришда ва ишлар(хизматлар)ни бажаришда юқори натижаларга эришишни таъминлаш;
 - е) қонунчиликка мувофиқ Жамиятнинг тегишли бошқарув органлари олдида ҳар кварталда ҳитсабот топшириш;
 - ж) Жамиятнинг Низоми ва ички ҳужжатларига мувофиқ ички ва ташқи назоратни амалга ошириш;
 - з) Жамият Кузатув кенгаши ёки акциядорларни умумий мажлисига қонучиликда ва Жамият Низомида белгиланган сумма миқдоридан юқори бўлган йирик битимлар, алоҳда битимлар ёки ўзаро боғлиқ битимларни Жамият акциядорларнинг Умумий мажлисига ёки Кузатув кенгашига кўриб чиқишилик учун тақдим этиш;
 - и) йирик битимлар ва ҳамкор шахслар билан тузилган битимларни шартларини назорат органи томонидан ўрганишни амалга ошириш;
 - к) қонунчиликка мувофиқ Кузатув кенгаши томонидан битим тузилиши маъқулланганда, мустақил баҳоловчини мулкнинг бозор қийматини ўрганиш учун таклиф этиш;
 - л) ҳамкор шахслар ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олинишини таъминлаш;
 - м) битимларни тузишда тартибига риоя қилиш ва ишлаб чиқарилишини таъминлаш: ҳамкор шахслар билан;
- Жамият акциядорлари ва уларнинг ҳамкор шахслари билан;
Инсайдерлар билан.

- н) Жамиятнинг ваколатли органи томонидан олдиндан келишмасдан йирик битимлар ва ҳамкор шахслар билан битимларни тузмаслик;
- о) Жамият Кузатув кенгашининг розилигисиз, бошқа ҳуқуқий шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида мансабдорлик лавзимларида ишламаслик;
- п) Жамият фаолияти ҳақидаги маълумотларни амалдаги Қонунчилик ва Жамият ахборот сиёсати Йўриқномасига мувофиқ қўшимча маълумотларни ошкор қилишни амлага ошириш;
- р) акциядорлар ва контрагентларга, тартибга солувчи ва назорат органилари ва бошқа манфаатдор шахсларга, шу жумладан реклама қилиш мақсадида бухгалтерия ҳисоботи ва бошқа чоп этиладиган маълумотларни ишончлилигини таъминлаш;
- с) Жамиятда бўлган махфий маълумотни ушбу маълумотга кириши мумкин бўлган шахс орқали шахсий мақсадларда ишлатилишини олдини олиш мақсадида тадбирларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- т) Оммавий ахборот воситаларида ва бошқа манбаларда Жамият ҳақидаги салбий маълумотларни ишончлилиги ва холислигини ўз вақтида текшириш. Ҳар бир салбий ва шубҳали маълумотларни пайдо бўлаётган ҳар бир фактга ўз вақтида муносабатларини билдириш;
- у) ўрта ва узок муддатли истиқболда, жамиятнинг рентабеллигига барқарор эришиш;
- ф) Жамиятнинг ички назорат тизимида камчиликларни аниқлашда иштирок этиш;
- х) Жамиятнинг молиявий ҳолатини бошқарув органи аъзоларига тўланадиган мукофотни, шунингдек Жамиятнинг фоалиятидаги натижалар қанчалик режалаштирилган кўрсаткичларга мослигини таъминлаш;
- ҷ) корпоратив ва касбий ҳулқ одоб тамойилларига риоя қилиш.

16. Жамият акциядорлари, шунингдек, Жамият (унинг бошқарув органи, мансабдор шахслари, ходимлари) ўртасида ва унинг акциядори (акциядорлари) ўртасида корпоратив манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида, Жамиятнинг бошқарув ва назорат органи, мансабдор шахслари ва ходимлари куйидаги қўшимчаларни бажаришга мажбурдир:

- а) *мажоритар акциядорлар ва миноритар акциядорларнинг* қонунчилик, норматив баённномалар ва Жамиятнинг Низоми ва ички хужжатлари билан мустаҳкамланган ҳуқуқларига риоя этиш;
- б) акциядорларга акциядорларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш масалаларида Жамиятнинг асослантирилган ва аниқ нуқтаи назарини ўз вақтида етказиш;
- в) эълон қилинган ва ҳисобланган дивидендларни тўлаш;
- г) тўқнашув предмети бўлиши мумкин масалалар бўйича батамом маълумотларни акциядорларга етказиш;
- д) рақобатчи хўжалик Жамиятида акция(улуш)ларни олишни амалга оширишда, Жамият бошқарув органи аъзоси манфаатдор бўлган битимларни, шунингдек бундай жамиятларнинг бошварув органларида иштирок этаётганларни аниқлаш;
- е) бошқарув қарорларини холислигини, муаллақлигини ва мустақиллигини таъминлаш мақсадида, Жамият Кузатув кенгashi таркибига мустақил шахслар киритилишини таъминлаш.

17. Жамият (унинг бошқарув органи, мансабдор шахслари, ходимлари) ва Жамиятнинг контрагентлари, бошқарув органлари, Жамият ходимлари қўшимча равища қўйидагиларга мажбурдирлар::

- а) Жамиятга контрагентлар томонидан ишониб топширилган пул маблағлари ва бошқа қимматликларининг сақланишини таъминлаш;
- б) белгиланган тартибда Жамият ҳақидаги маълумотларни етказилишини таъминлаш;
- в) маҳфий ёки бошқа аҳамиятли маълумотдан фойдаланиш тартибига қатъий риоя қилинишини таъминлаш;
- г) маҳсулотни (хизматни) сотиш ва контрагентдан ўзаро келишилган шартнома ёки маълумоти тўлиқ ошкора қилинган тарифлар бўйича тўловини олиш;
- д) Жамият контрагентлари манфаатларига жавоб бермайдиган битим тузишга йўл қўймаслик;
- е) ўзининг харидорлари учун маҳсулот (хизмат)ларни профессионал, ҳалол ва вижданан сотиш, шунингдек харидор топшириқларини юозорнинг жорий конъюктурасидан, молиявий нуқтаи назардан келиб чиқиб, имкони борича яхши йўсинда бажариш;
- ж) Мижознинг очик-ойдин қўринадиган хато (шу жумладан, мижоз томонидан имзоланган талабномада ёки бошқа хужжатларда)да йўл қўйилган хатолардаги вазиятда, ходимлар томонидан ўз шахсий манфаатларда онгли равища фойдаланишини истисно қилиш. Бундай хатолар Мижознинг талабномасида йўл қўйилса, Жамият ходими хато талабномани бажарилишини олдини олишига оқилона куч топиши ва бу ҳақида Мижозни огоҳлантириши керак;
- з) Мижозга берилган тавсиялар, ушбу масала бўйича мавжуд маълумотларга асосланиб, ҳалол таҳлилларга асосланишини таъминлаш;
- и) Жамият фаолияти давомида яратилган, олинган ва тўпланган тизимни, Жамият бошқарув органи ёки ваколатли шахснинг розилигисиз, жамиятнинг маҳфий сири (тижорат сири, инсайдер маълумоти, хизмат маълумоти ва бошқа маълумотлар) тоифасига киритилган, жамиятда қоғоз, магнит ва бошқа турдаги уни ташувчиларида сақланадиган маълумотларни сотиш, нусха олиш, узатиш ва бошқа тарқатиш ва кўпайтириш предмети бўлиб қолмаслиги учун, такомиллаштириш.

18. Жамият ва мансабдор шахслар, ходимлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида, уларни хизмат вазифаларини бажариш вақтида, мансабдор шахслар ва ходимлар қўйидаги қўшимча мажбуриятларни бажаришга мажбурдир:

- касбий ахлоқ тамойиллари ва ишchanлик муносабатлари нормаларига риоя қилмаслик;
- в) белгиланган тартибда шартномалар тузиш
- Жамиятнинг бошқариш ва назорат қилиш органини, Жамият билан рақобатчи бўлган ташкилотдан улуш (акция) сотиб олиш мақсади борлигини, юқори турувчи мансабдор шахс ёки Жамиятнинг бошқарув ва назорат органини хабардор қилиш;
- низоли вазият пайдо бўлишига сабабчи бўлган ҳолатларни мансабдор шахсга ўз вақтида хабар етказиш;
- юқори турувчи мансабдор шахсни Жамият тижорат фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишни режалаштираётган ташкилотларда, мансабдор шахснинг ўзини ёки унинг оила аъзоларини муҳим манфаатлари борлигини ёзма равища огоҳлантириш;

- Жамият ва ташкилотлар орасидаги муносабатларда, мансабдор шахснинг ўзини ёки унинг оила аъзоларини муҳим манфаатлари бўлган ёки ҳамкор шахслар билан ҳар қандай фаолиятдан сақланиш;
- Жамият манфаатларига зид бўлган бошқа ташкилот бошқарувида иштирок этиш учун олдиндан Ижро органи раҳбарини розилигини олиш;
- юқори турувчи мансабдор шахсга, ўриндошлиқ асосида бошқа Жамият манфаатларига зид бўлмаган ташкилотда ишлаш нияти борлигини олдиндан хабардор этиш, ва ўз вақтида Жамият манфаатларига зид эмаслигини тасдиқловчи маълумотларни етказиб бериш.

VII. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш

19. Жамият даражасида манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш – томонлар ўртасидаги тўқнашувларни ҳал этишга ёки уларни олдини олишга йўналтирилган ҳодисавоқелар жараёни.

Жамиятнинг асосий масалаларидан бири бўлган манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш, Жамият манфаатларига жавоб берувчи қонуний ва асосланган қарорни ахтаришдир.

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солувчи судгача бўлган устунлик:

- ҳамкорлик алоқаларини сақлаб қолиш;
- харажатларни қисқартириш;
- баҳсларни тезда ҳал этиш.

20. Жамиятда пайдо бўлган **ҳар қандай манфаатлар тўқнашувини** тартибга солиш учун Жамият бошқарув органларининг мажбуриятлари:

- жуда тезлик билан илк босқичларида пайдо бўлаётган манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, уларни сабабларини **белгилаш**;
 - Жамият бошқарув органларининг ваколати ва маъсулиятини аниқ чегаралаш;
 - Жамиятнинг ваколатли шахсини тайинлаш, ёки тўқнашувни тартибга солиш бўйича Комиссия ташкил этиш;
 - тўқнашувнинг моҳияти бўйича Жамиятни тутган ўринни энг қисқа муддатларда аниқлаш, тегишли қарор қабул қилиш ва бу ҳақда тўқнашувнинг бошқа томонига етказиши;
 - тўқнашувнинг бошқа томонига, тўқнашувда Жамиятнинг тутган ўрини ҳақида асослантирилган тўлиқ ва батафсил жавоб юбориш, тўқнашув иштирокчисини илтимоси ёки талаби рад этилгани ҳақидаги хабарномада эса қонунчилик, норматив баённомалар, Жамиятнинг Низоми ва ички ҳужжатларида белгиланган асосларда, бажаришдан бош тортганлиги далил келтириш;
 - тўқнашувни ҳал этишда иштирок этган Комиссия аъзолари ёки ваколатли шахс, уларни манфаатларини ёки уларнинг оила аъзоларини манфаатларига таъсир кўрсатетгани ёки кўрсатиши мумкин бўлиши ҳақида дарҳол хабар етказишиларини таъминлаш;
 - манфаатларга зид бўлган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган шахсларни, масалани ҳал қилиш ва ҳал қилишда қатнашишни таъминлаш
- а) Жамият акциядорлари ўртасидаги, ҳамда Жамият ва унигнг акциядорлари ўртасидаги корпоратив тўқнашувларни тартибга солиш.**

21. Агар Жамият бошқарув аъзоларининг шахсий манфаатлари, Жамиятни бошқариш бўйича уларга (бевосита ёки билвосита) юклатилган вазифаларни лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатса, ва унда бошқариш органи аъзоларининг шахсий хукуклари ва Жамиятнинг хукукий ва қонуний манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар мавжуд бўлса, акционарларни хукуклари бузилиши ва Жамиятга зарар етказишга қодир бўлган вазиятларда Корпоратив тўқнашуви пайдо бўлади ёки пайдо бўлиши мумкин.

22. Корпоратив манфаатлар тўқнашуви пайдо бўлиш мумкин бўлган вазиятларини тахминий рўйхати:

а) йирик ва майда акциядорлар ўртасидаги низо – Жамиятни даромадидан фойдаланиш бўйича, мониритар акциядорлар дивиденд кўринишида фойда олсалар, мажоритар акциядорлар эса Жамиятнинг молиявий оқимини бошқаришдаги иштироки орқали фойда олишлари мумкин;

б) йирик ва майда акциядорлар ўртасидаги тўқнашув – мониритар акциядорлар дивиденд олишни маъқул топсалар, мажоритар акциядорлар эса Жамиятнинг айланма воситасини сақлаб қолиш ва фойдани капитализацияга йўналтириш учун манфаатдордир;

в) корпоратив хукукларни қастдан бўлмаган бузилишига боғлик тўқнашувлар, акциядорлар томонидан уларнинг қонуний хукуки ва манфаатларига тажаввуз қилинганидек қабул қилиниши –бунда Жамият етарли даражада бўлмаган ҳолатда, Жамият хақида акциядорларга маълумотлар етказмайди, акциядорларни Умумий мажлиси хақида хабардор қилмайди ва акциядорларни бошқа хукукларини поймол қиласди;

г) Жамият акциядорларни хукукини қастдан поймол қилганида – акциядорларга уларнинг талабларига асосан, акцидорга Жамиятнинг фаолияти ҳақидаги маълумотни олишга берилган таклифларда аҳамиятсиз камчиликлар туфайли, умумий мажлис кун тартибига киритилишини ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси таркибига киришини рад қиласди;

д) Жамият ва акциядор ўртасидаги низолар – Жамият бир акциядор олдида иккинчи акциядорни афзал кўрса, масалан, биринчи навбатда мажоритар акциядорга кейин эса миноритар акциядорга дивидендларни тўлайди;

е) Жамиятнинг акциядорлари ва раҳбарлари ўртасида ва Ижро органи аъзолари (менеджерлар) Жамиятни бошқарувини самарадорлиги ва Ижро органини ҳалоллиги юзасидан;

ж) Жамиятнинг молиявий аҳволи ва рақобатбардошлигига путур етказишга йўналтирилган, масалан Жамиятни эгаллаб олишга ёки унга нисбатан банкротлик (рақобат) қозонишига ўриниш;

з) миноритар акциядорлар иштирокида низолар, Жамиятни ёки унинг йирик акциядорларга миноритарлардан уларга тегишли бўлган акцияла тўпламини бозор қийматидан ортиқ нархларда сотиб олишга истагига йўналтирилган ёки низо (корпоратив шантаж)ни тўхтатиш учун тўлаш;

и) бошқа вазиятлар.

Корпоратив низоларни ҳисбога олиш.

23. Корпоратив низоларни кўриб чиқиши тартибини бошлаш учун Жамиятга ёзма равищда юборилган манфаатлар тўқнашувининг ҳар қандай томонини мурожаати (аризаси, хати ёки талабномаси) асос бўлади.

Корпоратив низоларни ҳисбога олиш Жамиятнинг корпоратив алоқларга маъсул бўлган, алоҳида тузилма бўлинма (бўлим)ларининг зиммасига юклатилади. Ҳисоби

корпоратив низоларни рўйхатга олиш учун корпоратив алоқаларга маъсул, алоҳида маҳсус бўлнимда бўлган, маҳсус Қайд дафтирида олиб борилади.

Корпоратив низоларни ҳал қилиш (тартибга солиш).

24. Жамиятнинг корпоратив алоқалар учун маъсулиятли, алоҳида маҳсус тузилма бўлинмаси (бўлими), корпоратив низоларни таҳминий баҳолайди, аҳамиятли масалалар бўйича ҳужжатларни тайёрлайди ва 2 (икки) кунан ортиқ бўлмаган муддатлардан кечикирмасдан уларни корпоратив низоларни кўриб чиқиши ваколати киритилган Жамиятнинг органига топширади.

25. Агар Ижро органига корпоратив низони кўриб чиқиши берилган бўлса, Ижро органининг раҳбари ёки унинг муовини низони ҳал қилиш тартибини белгилайди, буйруқ билан ваколатли шахсни тайинлайди. Керакли вақтда манфаат тўқнашувларини ҳал қилиш масаласини кенгашиб кўриб чиқиши учун Комиссия ташкил этилади. Комиссия таркиби корпоратив низони моҳиятига қараб белгиланади.

26. Ваколатли шахс (Комиссия) манфаат тўқнашувларини ҳал этиши учун барчаchoralarни кўради. Манфаат тўқнашувларини ҳал этиши имкони бўлмаса, ваколатли шахс бу масалани кўриб чиқишилик учун Ижро органи раҳбарига киритади.

27. Манфаатлар тўқнашувини Ижро раҳбари даражасида ҳал этиши имконияти бўлмаса, манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши раисига йўллайди.

28. Кузатув кенгаши раиси Ижро органи раҳбаридан, шунингдек корпоратив маслаҳатчи (мавжуд бўлса)нинг ўзидан келган, манфаатлар тўқнашуви бўйича маълумотларни, манфаатлар тўқнашуви кўринишига қараб, Кузатув кенгаши тегишли Қумитасига топширади.

29. Мазкур маълумот белгиланган тартибда Кузатув кенгашининг тегишли Қумитаси томонидан кўриб чиқилади.

30. Жамият тақдим қилинган маълумотларни ва манфаатлар тўқнашувини маҳфий сақланишини ўз зиммасига олади.

31. Келган маълумотлар Жамият учун пайдо бўлаётган хатарларни жиддийлигини баҳолаш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этишини энг қулай шаклини топиш учун, Кузатув кенгашининг Қумитаси томонидан синчиковлик билан ўрганилиши лозим.

32. Жамият вазиятни ўрганиш натижасида, акциядор томонидан берилган маълумотлар корпоратив низо эмаслигини, ва натижада ҳал этишини маҳсус choralariga муҳтоҷ эмаслиги ҳақидаги хulosaga келиши мумкин.

Корпоратив низоларни ҳал этиши имконининг чора(усул)лари.

33. Жамият шунингдек, манфаат низолари мавжудлиги ҳақидаги хulosaga келиши мумкин, ва уни ҳал этишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиши йўли билан ҳамда низоларни ҳал этиши бўйича choralar ҳақидаги келишувни имзолаш йўли билан турли воситалардан фойдаланиши мумкин, шу жумладан:

а) акциядорга амалдаги қонунчилик ва Жамиятнинг ахборот сиёсати ҳақидаги Йўриқномага мувофиқ тақдим этилмаган маълумотни тақдим этиш;

б) акциядорга ҳисобланган, аммо Конунда ва Жамият Низомида кўрсатилган муддатларда тўланмаган дивидендларни тўлаш;

в) Кузатув кенгаши ва Ижро органи аъзосини Жамият акциядорларининг манфаатлари билан низо чиқарувчи, шахсий манфаатларидан воз кечиши;

г) Жамият билан битимни ҳақиқий эмас деб топиш;

д) Жамият билан тузилган шартнома шартларини бузилган тақдирда, Ижро органи раҳбари ваколатидан муддатидан олдин тугатиш;

е) Ижро органи раҳбарнинг ўзи томонидан акциядорлар манфаатларига заар етказилса ва Жамият Низоми бузилган ҳолатларда, ваколатидан муддатидан олдин тугатиш;

ж) бошқа чоралар.

34. Акциядорлар ўртасидаги корпоратив низоларни ҳал этишда:

а) Корпоратив маслаҳатчи, Кузатув кенгашининг тегишли Қумитаси аъзолари акциядорлар ўртасидаги музокараларда қатнашиш, унинг ихтиёрида бўлган, корпоратив низоларга алоқадор маълумот ва хужжатларни акциядорларга топшириш, қонунчилик, Низом ва Жамиятнинг ички хужжатларидағи нормаларини тушунириш;

б) Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси, Жамият акциядорлари ўртасида пайдо бўлган низони ҳал этишда воситачи сифатида қатнашиши мумкин;

в) Корпоратив маслаҳачи, Кузатув кенгашининг тегишли Қумитаси аъзоси акциядорларга маслаҳат ва тавсиялар беради, акциядорлар томонидан имзолаш учун, низоларни ҳал этиш бўйича хужжатлар (битимлар ва бошқ.)ни лойиҳасини тайёрлайди, ўз ваколатлари доирасида низони бартараф этишга ёрдам бериши мумкин бўлган мажбуриятларни қабул қиласди;

г) Жамият бошқарув органи ўз ваколатларига мувофиқ корпоратив низони ҳал этиш қарарини амалга оширишни ва корпоратив низо иштирокчиси билан Жамият номидан уни имзолашни ташкил этиши керак. Агар тўқнашув томони ва Жамият ўртасида мажбуриятлари ҳакида ҳеч қандай баҳс бўлмаса, аммо уларни бажариш бўйича муддатлар, усуllар ва бошқа мажбуриятлари юзасидан тушунмовчиликлар пайдо бўлса, Жамият низо иштирокчисига пайдо бўлган тушунмовчиликларни ҳал этиш бўйича таклифларини ва Жамият акциядорни талабларини қондириш учун тайёр бўлган шартларни баён қилиши керак;

д) агар акциядорнинг талабларини қондириш учун Жамиятнинг розилиги бу томоннинг қонунчилиқда, Низомда ёки Жамиятнинг бошқа ички хужжатларида кўзда тутилган бирор-бир ҳаракатни амалга ошириш билан боғлиқ бўлса, унда Жамиятнинг жавобида бу шартлар тўла-тўқис кўрсатилиши, шунингдек уларни ни бажариш учун маълумотлар (масалан, акциядор томонидан талаб қилинаётган нусхаларни тайёрлаш учун тўлов миқдори ёки Жамиятнинг банк реквизитлари ва ҳ.к.) кўрсатилиши керак.;

35. Корпоратив низони ҳал этиш бўйича келишувлар қуйидагиларга қўра қабул қилинган деб ҳисобланади, агар у:

а) ёзма шаклда расмийлаштирилган бўлса;

б) корпоратив низо иштирокчилари томонидан имзоланган бўлса.

36. Келтирилган рўйхат манфаатлар низоларини ҳал этишнинг усуllари, тўлиқ жавоб бўла олмайди. Манфатлар низосини ошкора этган Жамият ва ходимнинг келишуви бўйича ҳар бир аниқ ҳодисада, уни ҳал этишнинг бошқа шакллари топилиши мумкин.

37. Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси акциядорларнинг тез-тез учрайдиган талаб ва саволларини таҳлил этади, бу масалалар бўйича барча акциядорларга қўшимча маълумотларни етказиш заруратида қарор қабул қиласди ва шу каби мурожаатларни келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш мақсадида ички тартиб ва йўриқномаларни ўзгаришиш, бошқа тадбирларни ўtkазиш бўйича Жамиятнинг Ижро органи раҳбариға қўшимча таклифлар киритади.

38. Агар низоларни кўриб чиқиш натижасида Жамиятнинг амалдаги ички хужжатларига ўзгартишлар киритиш ёки қайта ишлаб чиқиш лозим бўлса. Кузатув кенгаши ёки Ижро органи хужжатни қайта ишлаб чиқиш, ёки керакли ўзгартиш киритиш ҳақида қарор қабул қиласи.

39. Корпоратив низони ҳал этиш бўйича барча материаллар (хатлар, ёзишмалар (шу жумладан электрон почта орқали), баённомалар, стенограммалар, ишончномалар, илтимосномалар, мурожаатномалар, аризалар, хабарномалар ва бошк.) сақлаб туришлик учун корпоратив маслаҳатчи томонидан Жамиятнинг архивига топширилади.

Жамият бошқарув органи аъзолари, мансабдор шахслари ва ходимларининг корпоратив низони ҳал этилиши ва ошкорда этилиши муносабати билан мажбуриятлари:

40. Жамият бошқарув органи аъзолари корпоратив низоларни келиб чиқшини олдини олиш ва ҳал этишда қўйидагиларга мажбурдирлар:

- а) Жамият ва унинг акциядорлари манфаатларида ҳаракат қилиш;
- б) Жамиятни бошқариш жараёнида ўзининг шахсий манфатлари, ўзининг қариндошлари, ўртоқлари ва ўзга учинчи шахснинг манфаатларини ҳисобга олмасдан – Жамият манфаатларига амал қилиш;
- в) ўзининг ҳамкор шахслари ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш;
- г) Қонунчиликда белгиланган тартибда Жамият томонидан амалга оширилаётган битимларида ўзининг ҳамкорлиги ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиши;
- д) Қонун ва Жамиятнинг йирик битимларни амалга ошириш Тартибига мувофиқ, йирик битимларини тузиш ҳақидаги қарор қабул қилиш;
- е) Жамият томонидан ҳамкор шахслар билан битимлар тузиш Тартиби ва Қонун талабларига мувофиқ, ҳамкор шахслар билан битимлар тузиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш;
- ж) Жамиятнинг махфий маълумотини ошкора қилмаслик;
- з) манфаатлар низоси келтириб чиқариши мумкин бўлган вазиятлардан (имкони борича) четлашиш;
- и) пайдо бўлаётган (реал) ёки потенциал манфаатлар низосини ошкора қилиш;
- к) пайдо бўлган манфаатлар низосини ҳал этишга ёрдам кўрсатиш.

6) Жамият ва Жамиятнинг контрагентлари манфаатлари ўртасидаги низоларни ҳал этиш.

41. Агар Жамият бошқарув аъзоларининг шахсий манфаатлари, Жамиятни бошқариш бўйича уларга (бевосита ёки билвосита) юклатилган вазифаларни лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатса, ва унда бошқариш органи аъзоларининг шахсий хуқуқлари ва Жамиятнинг хуқуқий ва қонуний манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар мавжуд бўлса, акционарларни хуқуқлари бузилиши ва Жамиятга зарар етказишга қодир бўлган вазиятларда Корпоратив тўқнашуви пайдо бўлади ёки пайдо бўлиши мумкин.

42. Ходимнинг шахсий манфаати – ходим томонидан хизмат вазифасини бажараётганида ўзи, яқин қариндошлар ва учинчи шахслар учун пул, қимматликлар, бошқа мулклар ёки мулк кўринишидаги хизматлар, бошқа мулкий хуқуқлар шаклидаги даромад олиш имкониятлари билан боғлиқ бўлган манфаатдорликдир.

43. Манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш учун Жамият ходимлари қўйидаги усусларни амалга ошириши мумкин:

а) ишга қабул қилишида манфаатлар низоси ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш;

б) янги лавозимга тайинлашда манфаатлар низоси ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш;

в) манфаатлар низоси вазиятлари пайдо бўлишида маълумотларни ошкор қилиш;

г) ҳар йиллик бизнес юритишда аҳлоқ-одоб нормасига риоя қилиш бўйича ҳар йили ўтказиладиган аттестация ўтказиш жараёнида манфаатлар низоси ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш;

44. Манфаатлар низосини ҳақидаги маълумотни ошкор қилиш, Ижро органи раҳбари, ходимларни бошқариш (ходимлар бўлими) бўлинмасининг бошлиғи, ички аудит Хизмати раҳбари, ходимнинг бевосита бўйсунувчи бошлиғига ёзма равишда хабарнома бериш орқали амалга оширилади.

Жамият контрагентлари ва ходимларини мурожаатларини ҳисобга олиш.

45. Манфаатлари тўқнашувини кўриб чиқиш контрагентнинг манфаат низоси пайдо бўлаётгани ҳақидаги Жамиятга ёзма мурожаати (аризаси, хати ёки талабномаси) асос бўлади.

46. Манфаатлар тўқнашуви пайдо бўлаётланлиги ҳақидаги (мавжуд бўлган) маълумотларни қабул қилишга ходимнинг бевосита раҳбари, ички аудит Хизмати раҳбари, ходимларни бошқариш (ходимлар бўлими) бўлинмасининг бошлиғи, Ижро бўлими раҳбари маъсулдир.

47. Ижро органи раҳбарининг қабулхонасида сақланадиган Жамият ва контрагентлар ўртасидаги низоларни ҳисобга олиш маҳсус қайд қилиш дафтирида рўйхатга олиш йўли билан ҳисобга олинади.

48. Жамиятнинг фаолияти ўзига хослигини ҳисобга олиб, Жамият ва унинг контрагенти ўртасидаги низоларни пайдо бўлиши мумкин бўлган вазиятлар рўйхати:

а) бир мижозни иккинчиси олдида афзалроқ кўриш (маҳсулот (товар)ни етказиб бериш муддати бўйича, ишни ёки хизмат кўрсатиш; баҳо сиёсати ва бошқ.);

б) агар Жамият ходимини ойлик маоши тамойиллари Жамият мижзонинг манфаатларига зарап етказса манфаатлар ўртасидаги тўқнашув содир бўлиши мумкин;

в) Жамият томонидан маҳфий маълумотларни контрагент билан ишлаш чоғида маълум бўлган маҳфий сирни ошкор қилиш;

г) Жамият ходими мижозга хизмат кўрсатиш вақтида ўзини қўпол тутса, мижозга кўрсатилган беминнат хизмат учун моддий қимматликларни олиш ёки беришни талаб қиласа;

д) агар Жамият ходими Жамият контрагенти билан рақобатчи бўлган тижорат ташкилотининг биргаликда эгалик киласа;

е) Жамият бошқарув органи аъзолари бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш афзалроқ бўлади;

ж) Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил ташкилотни танлашда Жамият бошқарув органи аъзолари бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган ташкилотга афзаллик берилади;

з) Жамият ва ходим орасидаги низо – ходим ўз вазифасидан фойдаланиб, бунинг натижасида Жамият билан эмас, балки Жамият ходими манфаатдор бўлган ташкилот билан шартнома тузилса;

и) конфликт между Обществом и работниками - работник использовал конфиденциальную информацию Общества в личных целях;

к) Жамият ва ходимлар ўртасидаги низо – ходим маълумотни уни олиш учун ҳуқуки бўлмаган бошқа ходимларга берса;

л) Жамият ходимлари ўртасидаги низо – айрим ходимлар ўртасида ўз хизмат мажбуриятларини орттира;

м) Жамият ходимлари ўртасида тўқнашув – бир ходим иккинчи ходимга хизмат мажбуриятларини бажаришга халақит берса;

н) бошқа вазиятлар .

Манфаат низоларини ҳал этиш тартиби (регламент).

49. Контрагент ёки бошқа маълумот манбаларидан низоли вазиятлар ҳақида маълумот олган Жамият ходими, дарҳол бу ҳақда юқори турувчи мансабдор шахсни оғоғ этишга мажбур. Низони Жамият тузилмаси бўлими даражасида ҳал этиш имкони бўлмаганида, тузилма бўлинмасининг раҳбари 1 (бир) иш куни мобайнида Ижро органи ёки унинг муовинига низо, унинг келиб чиқиши сабаблари, кўрилган чоралар хҳақида маълумот бериши шарт. Ижро органи раҳбари ёки унинг муовини низони ҳал этиш тартибини белгилайди ва ваколатли шахсни тайинлади. Зарур холларда масалани бамаслаҳат кўриб чиқишилик учун комиссия ташкил қиласди.

50. Ваколатли шахс (Комиссия) манфаатлар низосини ҳал этиш учун барча чораларни кўради. Манфаатлар низосини ҳал этиш имкони бўлмаса, ваколатли шахс масалани кўриб чиқишилик учун Ижро органинг раҳбарига киритади.

51. Манфаатлар тўқнашувини Ижро раҳбари даражасида ҳал этиш имконияти бўлмаса, манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши раисига йўллади.

52. Мазкур маълумот Кумита (ишчи гуруҳи), низоларни ҳал этиш бўйича Кузатув кенгаши (низоларни ҳал этиш бўйича маъсул Кузатув кенгаши мустакил аъзоси, Кузатув кенгаши аъзоси).

53. Жамият, тақдим қилинган маълумотларни кўриб чиқишида унинг маъфийлигини ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш мажбуриятини ўзига олади.

54. Келган маълумотлар Жамият учун пайдо бўлаётган хатарларни жиддийлигини баҳолаш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этишни энг қулай шаклини топиш учун, ваколатли шахс (Кумита) томонидан синчиковлик билан ўрганилиши лозим.

55. Жамият вазиятни ўрганиш натижасида, акциядор томонидан берилган маълумотлар корпоратив низо эмаслигини, ва натижада ҳал этишни маҳсус чораларига мухтож эмаслиги ҳақидаги хulosага келиши мумкин.

Манфаатлар низоларини ҳал этиш имконинг чора (усул)лари.

56. Жамият шунингдек, манфаат низолари мавжудлиги ҳақидаги хulosага келиши мумкин, ва уни ҳал этишда турли воситалардан фойдаланиши мумкин, шу жумладан:

а) ходимни унинг шахсий манфаатларига алоқадор бўлган аниқ маълумотга киришини чегаралаш;

б) Жамият ходимини манфаат низолари таъсирига тушиши мумкин бўлган ёки таъсиридаги масалалар бўйича қарор қабул қилиш жараёнида ва мунозарада иштирок қилмаслиги ҳақида ўз хошишига кўра рад;

в) ходимнинг функционал вазифаларини қайтадан кўриб чиқиши ва ўзгартириш;

г) агар функционал вазифалари шахсий манфаатлари билан зид бўлса, ходимни вақтингча хизмат васифасидан четлаштириш;

д) ходимни манфаатлар низоси билан боғлиқ бўлмаган функционал вазифаларни бажариш кўзда тутилган бошқа лавозимга ўтказиш;

е) ходим томонидан, манфаатлар тўқнашувига асос бўлган унга тегишли мулкини ишончли бошқармага топшириш;

ж) Жамият манфаати билан ўз шахсий манфаатлари ўртасида низо солувчи шахсий манфаатларидан воз кечиш;

з) ходимнинг ташаббуси билан ходимни Жамиятдан ишдан бўшатиш;

и) маъмурий хатти-ҳаракатлари учун ходимни иш берувчининг ташаббуси билан ишдан озод этиш, яъни унинг айби билан унга юклатилган хизмат вазифаларини бажармаслик ёки лозим тарзда бажармаганлиги учун.

57. Келтирилган рўйхат манфаатлар низоларини ҳал этишнинг усуллари, тўлиқ жавоб бўла олмайди. Манфаатлар низосини ошкор этган Жамият ва ходимнинг келишуви бўйича ҳар бир аниқ ҳодисада, уни ҳал этишнинг бошқа шакллари топилиши мумкин.

58. Мавжуд бўлган низоларни ҳал этишда мавжуд бўлган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, тартибга солишининг энг “юмшоқ” чораси танлаб олинади. Қаттиқроқ чоралар фақат ҳақиқий эҳтиёжлар туфайли ёки юмшоқ чоралар етарли даражада самараси бўлмаганида кўлланилади.

59. Низоларни ҳал этишнинг аниқ усулини танлаш ҳақида қарор қабул қилинишида, ходимнинг шахсий манфаатининг аҳамиятини ҳисобга олиш ва унинг ушбу шахсий манфаатини амалга оширишда Жамиятнинг манфааталарига зааретказилишини ҳисобга олиш мухимdir.

Низоларини ҳал этишда ва ошкора қилишда жамият ходимнинг мажбуриятлари:

60. Жамият ходимлари манфаат тўқнашувларини ҳал этиш ва ошкора қилишда қўйидагиларга мажбурдир:

а) ўзининг хизмат вазифасини бажариш ва иш билан боғлиқ масалалар бўйича қарор қабул қилишда ўзининг манфаатлари, қариндошлари, ўртоқлари ва учинчи шахсларнинг манфаатларини ҳисобга олмасдан, Жамият манфаатларига асосланishi;

б) манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳолат ва вазиятлардан (имкони борича) ўзини четга олиш;

в) пайдо бўлган (реал) ва потенциал манфаатлар тўқнашуви ошкор қилиш;

г) манфаатлар тўқнашуви пайдо бўлишини тартибга солишга кўмаклашиш.

VIII. Маълумотни ошкор қилиш

61. Жамият корпоратив веб-сайтида, тегишли қарор қабул қилинган, Жамият акциядорларининг Умумий мажлис баённомаси имзоланган кундан 5 (беш иш куни мобайнида ушбу Йўриқнома, ҳамда унга тегишли барча ўзгартириш ва қўшимчалари билан ушбу Йўриқномани жойлаштиради.

IX. Умумий қоидалар.

62. Мазкур Йўриқнома акциядорлар Умумий мажлиси қарори билан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

Ушбу Йўриқномани тасдиқлаш бўйича акциядорларни Умумий масжлиси қарори, мажлисда иштирок эттаётган акциядорларни кўпчилик овози билан қабул қилинади

63. Ушбу Йўриқномага қонунчиликнинг ўзгариши, Жамият Низоми ёки ички хужжатларига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилиши муносабати билан, ва бошқа ҳолларда ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилиши мумкин Мазкур Йўриқномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар акциядорларнинг умумий мажлисида тасдиқлангандан сўнг кучга киради

Ушбу Йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши тасдиқлаш бўйича акциядорларнинг Умумий мажлиси қарори, мажлисида иштирок этган акциядорларни кўпчилик овози билан қабул қилинади.

64.Агар мазкур Йўриқноманинг айрим моддалари, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ё/ёки Жамият Низомига зид бўлса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалардаги тартибга солинувчи масалалар қисми, мазкур Йўриқномага тегишли ўзгартириш киритилгунинг қадар, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилек нормаларига асосланади.